

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ВА ТАБИЙ ГАЗ НАЗОРАТИ ВА ҲИСОБИНИНГ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМИНИ ЖАДАЛ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги "Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5059-сон Фармониغا мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июндаги Ф-4979-сон фармойиши билан ташкил этилган Электр энергияси ва табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини янада жорий этиш юзасидан тақлифлар тайёрлаш бўйича Ишчи комиссия (кейинги ўринларда Ишчи комиссия деб юритилади) томонидан "Sagemcom" (Франция Республикаси), "Elster GmbH" (Германия Федератив Республикаси), "Landis & Gyr" (Швейцария Конфедерацияси) компаниялари ва "Toshelectroapparat" МЧЖ ХК (Ўзбекистон Республикаси) билан Ўзбекистон Республикасида электр энергияси ва табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш лойиҳасини (кейинги ўринларда Лойиҳа деб юритилади) амалга ошириш юзасидан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ишчи комиссиянинг Лойиҳа доирасида дастлаб 2 миллион дона электр энергияси ва табиий газни ҳисобга олиш ускуналари, шунингдек, дастурий таъминот, қўшимча асбоб-ускуна, бошқа зарур техник воситаларини (кейинги ўринларда ҳисобга олиш ускуналари ва қўшимча воситалар деб юритилади) "Sagemcom", "Elster GmbH" компаниялари ва "Toshelectroapparat" МЧЖ ХКдан истисно тариқасида тендер савдоларини ўтказмасдан харид қилиш тўғрисидаги тақлифга розилик берилсин.

Белгилансинки, Ишчи комиссиясининг қарорига асосан "Ўзбекэнерго" АЖ ва "Ўзтрансгаз" АЖ Лойиҳа доирасида ҳисобга олиш ускуналари ва қўшимча воситаларини мазкур қарорнинг 14-бандига мувофиқ уларни республикада ишлаб чиқариш йўлга қўйилгунга қадар ушбу бандда кўрсатилган ишлаб чиқарувчилардан қўшимча харид қилиши мумкин.

3. Ишчи комиссия (Ж. А. Қўчқоров) "Ўзбекэнерго" АЖ ва "Ўзтрансгаз" АЖ билан биргаликда бир ой муддатда Лойиҳа бўйича "Sagemcom", "Elster GmbH" компаниялари ва "Toshelectroapparat" МЧЖ ХК билан якуний музокаралар ўтказилиши ва контрактлар (кейинги ўринларда контрактлар деб юритилади) тузилишини ташкил этсин.

"Ўзстандарт" агентлиги музокаралар якунига қадар Лойиҳа доирасида ўрнатиладиган ҳисобга олиш ускуналарининг турларига нисбатан техник талабларни тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси тузиладиган контрактларни, шу жумладан, ҳисобга олиш ускуналари ва қўшимча воситалар, хизматларнинг қийматини ишлаб чиқарувчиларнинг айнан шундай лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тажрибаси ва ишчанлик обрў-эътиборига алоҳида эътибор қаратган ҳолда ҳар томонлама экспертизадан ўтказсин.

5. Лойиҳа доирасида қуйидагилар: Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг (кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилади) "Ўзсанотқурилишбанк" АТБ томонидан қайта молиялаштириладиган, 5 йиллик имтиёзли давр ва қайта молиялаштирувчи банкнинг 0,2 фоиз маржасини ўз ичига олган йиллик ставкаси 2 фоиз бўлган 10 йил муддатга ажратиладиган маблағлар – контрактлар бўйича ҳисобга олиш ускуналари ва қўшимча воситаларни, шунингдек, хизматларни сотиб олишга сарфланган харажатларнинг;

"Ўзбекэнерго" АЖ ва "Ўзтрансгаз" АЖнинг маблағлари – қурилиш-монтаж ишларини, маҳаллий товарлар ва хизматларни харид қилишнинг молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

2020 йил 1 январдан Лойиҳанинг амалга ошириш муддати 1 кВт/соат электр энергияси учун 15 сўм, 1 м. куб табиий газ учун 17 сўм (республикада реализация қилинадиган) миқдорда заруратга кўра индексация қилинадиган ҳамда фақатгина Лойиҳа доирасида Жамғарманинг жалб этилган маблағларини қоллашга ҳамда бошқа харажатларни молиялаштиришга йўналтириладиган инвестициявий устама жорий этилади;

Лойиҳа доирасида ҳисобга олиш ускуналарини ўрнатишда кейинчалик уларни давлат кўригидан ўтказган ҳолда сертификация ишларини олиб бориш белгиланган тартибда "Ўзстандарт" агентлиги томонидан амалга оширилади;

ҳисобга олиш ускуналарини ўрнатишда пломбалаш "Ўзбекэнерго" АЖ, "Ўзтрансгаз" АЖ ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (кейинги ўринларда Бюро деб юритилади) ваколатли ходимлари томонидан амалга оширилади;

Давоми 2-бетда. ➡

Замонавий технология: СИФАТ ВА ХАРИДОРГИРЛИК МЕЗОНИ

Қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ва сифатли ҳосил олиш учун агротехник тадбирларни ўз вақтида бажариш, ўсимликларни зарур турдаги ўғитлар билан озиклантириш талаб этилади.

Чирчиқ шаҳридаги "Chirchik Alliance Business" масъулияти чекланган жамияти жамоаси томонидан ишлаб чиқарилаётган кимёвий озиқа ва минераллар деҳқонларга бу борада ҳар томонлама қўл келмокда.

Маҳаллий хом ашёдан фойдаланилган ҳолда тайёрланаётган кенг турдаги озиқа ва минералларда қишлоқ хўжалиги экинлари ривожини учун зарур бўладиган моддалар мавжуд, дейди жамият бош директори Муроджон Нортеев. Яқинда маҳсулотимизнинг сифатли сақланишини таъминлайдиган ва уни етказиб беришда фойдаланиладиган маҳсулот қоплаш қишлоқ хўжалигини ўзлаштирдик. Зеро, товарларимизнинг маҳсулоти идишларга жойланиши унинг харидорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоиз, буғунги кунда мазкур корхонада тайёрланаётган кимёвий озиқаларнинг



асосий қисми МДХ давлатларига экспорт қилинмокда. Улар юқори сифатлилиги, нархнинг мақбуллиги билан юртимиздаги корхона ва ташкилотларга, деҳқон ва фермер хўжалиқларига ҳам манзур бўлмокда. Корхона самарали ишлаб чиқариш технологиясидан ташқари, ташиниш ва бошқа мақсадларда фойдаланиладиган транспорт ва техникаларга эга. Бу ерда

барча талабларга жавоб берадиган маҳсулоти борхона бор. У маҳсулотларни сифатли сақлаш имконини бермокда. Ана шу каби омиллар ишлаб чиқариш салмоғини йил сайин оширишда муҳим аҳамият касб этаётир. Маълумотларга кўра, жорий йилнинг ўтган даврида корхонада тайёрланган 10 миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот реализация қилинди.

Бугун "Chirchik Alliance Business" масъулияти чекланган жамиятида меҳнат қилаётганларнинг асосий қисмини шаҳардаги коллежларни битирган ёшлар ташкил этади. Уларнинг унумли ишлаб, яхши дам олиши учун барча шарт-шароит яратилган. Ишчилар икки маҳал бепул иссиқ овқат билан таъминланмокда. Корхона мутасаддиларининг айтишича, яқин кунларда "Chirchik

Alliance Business"да Япония етакчи компанияларининг сўнгги русумдаги машина ва ускуналари билан жиҳозланган янги линия иш бошлайди. Болалар ва катталар учун кийим-кечаклар ишлаб чиқариш йўлга қўйлади. Натижада, яна бир қанча иш ўринлари яратилади.

Юлдузхон
МУХИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.

Халқ депутатлари

Бўка тумани кенгашининг сессияси

Халқ депутатлари Бўка тумани кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Танқидий-таҳлилий руҳда ўтган сессияда ташкилий масала кўрилди. Худойберди Назарович Холбоев ишда йўл қўйган хато ва камчиликларни учун туман ҳокими вазифасидан озод этилди.

Н. Избосаров Бўка тумани ҳокими лавозимига тасдиқланди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси У. Исмоилов ва вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Ф. Ибрагимов иштирок этди ва сўзга чиқди.

Халқ депутатлари

Оққўрғон тумани кенгашининг сессияси

Халқ депутатлари Оққўрғон тумани кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Танқидий-таҳлилий руҳда ўтган сессияда ташкилий масала кўрилди. Шу вақтга қадар туман ҳокими бўлиб ишлаб келган Оллаберган Ҳайитбоевич Оллаберганов туман ҳокими лавозимидан озод этилди. Фарҳод Омонов Оққўрғон тумани ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси У. Исмоилов ва вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Ф. Ибрагимов иштирок этди ва сўзга чиқди.

Агар огоҳ сен...

Йигирма биринчи асрнинг энг глобал муаммоларидан бири – терроризм бўлиб, у бутун дунё ҳамжамиятини ташвишга солмокда. Айниқса, муқаддас ислом динини ниқоб қилиб амалга оширилаётган – инсонга хос бўлмаган ваҳшийликлар бутун ислом оламини ҳайратлантираётир.

ЖАҲОЛАТ ГИРДОБИ

Ҳар қандай диний радикал, мутаассиблик мафқураси билан йўғрилган ҳаракатлар ва тўдалар аслида маълум ва номаълум кучларнинг сиёсий мақсадларига хизмат қилади. Улар мафқуравий тарғибот усулларидан фойдаланиб, киши онгини захарлайди.

Кучли илмий ёндашув асосида тайёрланган материаллар кишини ўзига эргаштира олади. Энг ёмони шундаки, диний радикал кучларнинг тарғиботи бугун очикдан-очиқ, тўғридан-тўғри, бевоСИТА амалга оширилмаяпти. Хусусан, мамлакат Конституциявий

тузумига қарши даъватлар эмас, балки раҳбарларнинг обрўсини тўкиш, ижтимоий адолатсизликлар кўпайиб кетганини баҳона қилиб, диндорларни қоралаш, мамлакатдаги ислохотларнинг тўғри эканига шубҳа уйғотиш йўллари орқали ўз мақсадларини амалга оширмокчи бўладилар.

Тан олиш керак, бу воситалар айрим ҳолларда ўзини оқламокда ҳам. Турли инқилоб ва давлат тўнтарылишлари бу усулларнинг муваффақиятли амалга оширилгани натижасидир.

Давоми 2-бетда. ➡

ЯНГИ БИНО АДОЛАТ ҚЎРҒОНИ БЎЛАДИ

Ўрта Чирчиқда маъмурий ҳамда жиноят ишлари бўйича туман судларининг икки қаватли янги биноси фойдаланишга топширилди.

Иншоот

Замонавий иншоотнинг очилишига бағишланган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, ҳуқуқшунослар, фахрийлар ҳамда ёшлар иштирок этди.

Кейинги йилларда барча соҳада бўлгани каби мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида ҳам кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмокда. Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини оши-



риш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси доирасида тизим моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, янги суд бинолари қурилмокда, мавжудлари реконструкция қилинаётир.

"Бойсун омад қурилиш масъулияти чеклан-

ган жамияти қурувчилари томонидан барпо этилган ушбу янги бинода маъмурий ва жиноят ишлари бўйича судлар учун алоҳида иккита суд зали, ходимлар ва фуқароларни қабул қилиш хоналари мавжуд ва уларнинг барчаси замонавий усул-

да жиҳозланган. Шунингдек, бу ерда ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш ҳамда фуқаролар учун бир қатор қулайликлар яратилган.

Ўз муҳбиримиз,
Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат.

Комусимиз – бахтимиз

ҲУҚУҚЛАРИМИЗ КАФОЛАТИ

Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.



40-модда.
Мамлакат тараққиёти келажак авлоднинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишига боғлиқ. Бунда тиббиёт тизимининг нечоғли ривожлангани, ундан аҳолининг барча қатламлари фойдаланиши қандай кафолатланганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Бу ҳақда гап кетганда шунини айтиш мумкин, юртимизда малакали тиббиёт мутахассисларини тайёрлаш, шифо масканларини замонавий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмокда. Шунингдек, аҳолининг тиббий хизматдан бепул фойдаланиш имконини яратилган.

Вилоятимизда 2 миллион 840 мингдан зиёд аҳолига хизмат кўрсатишга мўлжалланган 53 та шифохона, 186 та амбулатория-поликлиника бор. Уларда 4 минг 680 нафар шифокор фаолият юритмокда. Шаҳар ва туманларимиздаги тиббиёт бирлашмаларига "Саломатлик – 3" лойиҳаси доирасида зарур асбоб-ускуналар етказиб берилган бўлиб, уларда фуқароларга бепул, тез ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатиб келинмокда. Шунини айтиш керакки, қилинаётган ишлар, сайё-ҳаракатлар замирида аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлашдек эзгу мақсад мужассам.

Камола ТЎЛАГАНОВА,
Саломатлик ва тиббиёт статистика
институтини вилоят филиали директори.

2018 йил учун

«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда»

газеталарига обуна
давом этмокда!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ВА ТАБИЙ ГАЗ НАЗОРАТИ ВА ҲИСОБИНИНГ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН
ТИЗИМИНИ ЖАДАЛ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Лойиҳа доирасида ўрнатиладиган ҳисобга олиш ускуналарининг давлат кўриги "Ўзстандарт" агентлиги томонидан ҳар 10 йилда амалга оширилади. Бунда ҳисобга олиш ускуналарини давлат кўригига топшириш бўйича ишларни ташкил этиш "Ўзбекэнерго" АЖ, "Ўзтрансгаз" АЖ ва Бюро томонидан таъминланади;

истеъмолчидан давлат кўригидан, хизмат кўрсатиш ва бошқа ишларни ўтказиш учун ечиб олинган ҳисобга олиш ускунасининг ўрнига зудлик билан "Ўзбекэнерго" АЖ ва "Ўзтрансгаз" АЖ маблағлари ҳисобидан бошқа кўриқдан ўтган ҳисобга олиш ускунаси ўрнатилади.

7. Ўзбекистон Республикаси молия вазирига "Ўзбекэнерго" АЖ ва "Ўзтрансгаз" АЖнинг Лойиҳани амалга ошириш учун бериладиган Жамғарма кредитлари бўйича "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ олдидаги мажбуриятлари юзасидан белгиланган тартибда давлат кафолатларини бериш ваколати берилсин. Бунда давлат кафолатлари "Ўзбекэнерго" АЖ ва "Ўзтрансгаз" АЖ томонидан кредитларни қоплаш даврида уларнинг пул маблағларини бошқариш ҳуқуқларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига топшириш орқали берилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "ЎзИнжиниринг" Республика лойиҳа институти "Ўзбекэнерго" АЖ ва "Ўзтрансгаз" АЖ билан биргаликда уч ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига Лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларини киритсин.

◀ Бошлангич 1-бетда.

Жамғарма, "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ, "Ўзбекэнерго" АЖ ва "Ўзтрансгаз" АЖга Лойиҳанинг техник-иқтисодий асослари тасдиқланганига қадар контрактлар доирасида товарларнинг харидини ва бажариладиган ишларни 2018 йил 1 февралга қадар молиялаштиришга рұхсат берилсин.

9. "Ўзбекэнерго" АЖ, "Ўзтрансгаз" АЖ ва "Toshelectroapparat" МЧЖ ХК 2022 йил 1 январга қадар контрактларга мувофиқ ҳисобга олиш ускуналари ва қўшимча воситаларни, бутловчи буюмлар, хом ашё ва материалларни олиб кирганлик учун божхона тўловлари тўлашдан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар бундан мустасно), шунингдек, Лойиҳани амалга ошириш доирасида қўшимча қиймат солиғидан озод қилинсин.

10. "Ўзбекэнерго" АЖ ва "Ўзтрансгаз" АЖ Бюро билан биргаликда бир ой муддатда электр узатиш линиялари ва газ қувурларини модернизация қилиш бўйича давлат дастурлари амалга оширилишини, электр ва газ таъминоти инфратузилмасининг амалдаги ҳолатини, шаҳарлар ва вилоятлар марказларининг устуворлигини инобатга олган ҳолда ҳисобга олиш ускуналари ва қўшимча воситаларни ўрнатиш жадвалини тасдиқласин.

11. Республика ҳудудига Лойиҳанинг техник параметрларига мос келмайдиган ҳисобга олиш ускуналари ва қўшимча воситаларни олиб кириш тақиқлансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги "Ўзбекэнерго" АЖ ва "Ўзтрансгаз" АЖ билан биргаликда яратиладиган Коммунал хизмат-

лар ягона биллинг тизимининг Лойиҳа доирасида ўрнатиладиган дастурий маҳсулотлар билан биллинг тизимининг электр энергияси ва табиий газга оид қисмини ишлаб чиқишга "Sagcom" компаниясини жалб этган ҳолда мослигини таъминласин.

14. "Ўзбекэнерго" АЖ, "Ўзтрансгаз" АЖ "Ўзэлтехсаноат" АЖ, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда хорижий компания иштирокида, шу жумладан, "Ўзэлтехсаноат" АЖ корхоналарини кооперация асосида жалб этган ҳолда ҳисобга олиш ускуналари ва қўшимча воситаларини ишлаб чиқаришни, шунингдек, Лойиҳани техник қўлаб-қувватлаш бўйича хизмат кўрсатиш марказларини ташкил этиш юзасидан таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги Лойиҳа ва контрактларнинг амалга оширилиши устидан тизимли мониторинг ўрнатсин.

16. "Ўзбекэнерго" АЖ ва "Ўзтрансгаз" АЖ буюртмалари бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчи хорижий мутахассисларга кириш визаларини расмийлаштириши;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчи хорижий мутахассисларга кўп марталиқ кириш виза-

лари берилиши ва муддати узайтирилишини, шунингдек, вақтинча яшаш жойи бўйича вақтинча рўйхат расмийлаштирилиши (узайтирилиши)ни таъминласин.

17. Лойиҳанинг тўлиқ ва ўз муддатида амалга оширилиши, шу жумладан, тасдиқланадиган лойиҳа параметрларига эришиш юзасидан шахсий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. С. Султонов, "Ўзбекэнерго" АЖ (У. М. Мустафоев) ва "Ўзтрансгаз" АЖ (А. С. Мустафоев) раҳбарлари зиммасига юклансин.

18. Куйидагилар:
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Газ таъминоти тизимида бозор механизмларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2907-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 июндаги "Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-3060-сон қарорининг 6-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

19. Маъмур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И. Б. Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,
2017 йил 13 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Электр энергияси ва табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жадал жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига шарҳ

Электр ва газ таъминоти соҳасидаги тизимли муаммоларни самарали ҳал этмасдан туриб иқтисодий тармоқларини ривожлантириш, ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳасини кенгайтириш, ишчанлик фаоллиги ва мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, шунингдек, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини юксалтириш мумкин эмас.

Шу муносабат билан, кейинги йилларда республикада электр ва газ таъминоти тизимининг инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш, энергия ресурслари истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилиш самарадорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда назорат ва ҳисобга олишнинг самарали тизими мавжуд эмаслиги сабабли электр ва газ таъминоти корхоналари фаолиятида доимий охиб борувчи қарздорлик юзга келишига, энергия ресурслари етказиб беришда мунтазам узилишларга ва тармоқ корхоналарининг оғир молиявий аҳолига олиб келган кўплаб жиддий камчиликлар тўпланиб қолган.

Электр ва газ таъминоти корхоналари назоратчиларининг ҳаракатсизлиги ҳамда улар ўртасида суиистеъмолчилик ҳолатларининг кенг тарқалганлиги юзга келган вазиятнинг асосий сабаблари ҳисобланади. Қарздорликнинг йирик миқдори ва уни ундириш учун зарур ҳодимларнинг мавжудлигига қарамадан, "Ўзбекэнерго"

АЖ ва "Ўзтрансгаз" АЖ корхоналари томонидан етарли даражадаги ундирув таъминланмаган.

Электр узатиш линиялари ва газ қувурларини комплекс модернизация қилиш борасида етарли ишлар амалга оширилмаган.

Кўп йиллар давомида энергия ресурслари истеъмолини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини (ЭНХАТ) жорий этиш бўйича бир неча бор чоралар кўрилган бўлсада, мазкур йўналишдаги ҳеч бир лойиҳа якунига етказилмаган, бу, ўз навбатида, энергия ресурслари истеъмолининг ҳаққоний ҳисоби ва назоратини ташкил этишга, шунингдек, талон-торож ҳолатлари ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга жуда салбий таъсир қилган.

Масалан, энергия ресурслари абонентлари умумий сонининг аттиги 2,6 фоизи ЭНХАТда ишлайдиган электр энергиясини ҳисоблаш ускуналари билан жиҳозланган, 40 фоизи ташқи таъсирдан ҳимояланмаган эскирган ҳисоблаш ускуналаридан фойдаланади, 48 фоизи ЭНХАТга мос келмайдиган турли модификациядаги ҳисоблаш ускуналарига эга, шунингдек, 9,4 фоизда энергия ресурсларини ҳисоблаш ускуналари мавжуд эмас.

Мавжуд камчиликларни бартараф қилиш ҳамда энергия ресурслари истеъмоли соҳасида бошқарув, назорат ва ҳисоб тизимини, шунингдек, тўлов интизомини

тубдан яхшилаш мақсадида жорий йилда мазкур соҳани ташкилий-ҳуқуқий такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг қатор қарорлари қабул қилинди.

Хусусан, Мажбурий ижро бюроси ташкил этилиб, юзга келган вазиятни жадал суръатларда яхшилаш бўйича комплекс чоралар кўрилганлиги, шу жумладан, 2,6 миллиондан ортиқ турар ва нотурар объектлар инвентаризация қилинганлиги, энергия ресурсларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ кўплаб ҳуқуқбузарликлар аниқланганлигини таъкидлаш лозим.

Бюро ҳузурида энергия ресурслари истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишининг, ижро иш юритувининг шаффофлиги ва тежорлигини, шунингдек, тегишли масалалар бўйича идоралараро ҳамкорлик самарадорлигини таъминловчи Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш маркази ташкил қилинди.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши билан ЭНХАТни янада жорий этиш юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича Ишчи комиссиясига тузилди.

Ишчи комиссиясига томонидан қатор етакчи хорижий компаниялар билан республикада ЭНХАТни жорий этиш лойиҳасини амалга ошириш юзасидан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказилди.

Музокаралар жараёнида эришилган ке-

лишувларни амалий рўёбга чиқариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Электр энергияси ва табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жадал жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, дастлабки босқичда 2 миллион донга электр энергияси ва табиий газни ҳисобга олиш ускуналари, шунингдек, дастурий таъминот, қўшимча асбоб-ускуна, бошқа зарур техника воситалари харид қилинади.

Шунингдек, яқин келажақда республикада хорижий компания иштирокида юқорида кўрсатилган ҳисобга олиш ускуналари ва қўшимча воситаларни маҳаллий ишлаб чиқариш ташкил этилади.

Бир ой муддатда электр узатиш линиялари ва газ қувурларини модернизация қилиш бўйича давлат дастурлари амалга оширилишини, электр ва газ таъминоти инфратузилмасининг амалдаги ҳолатини, шаҳарлар ва вилоятлар марказларининг устуворлигини инобатга олган ҳолда ҳисобга олиш ускуналари ва қўшимча воситаларни ўрнатиш жадвалини тасдиқлаш режалаштирилди.

Қарорга мувофиқ, лойиҳа доирасида ўрнатиладиган ҳисобга олиш ускуналарининг давлат кўриги "Ўзстандарт" агентлиги томонидан ҳар 10 йилда амалга оширилади, ҳисобга олиш ускуналарини давлат кўригига топшириш бўйича ишларни

ташкил этиш эса "Ўзбекэнерго" АЖ, "Ўзтрансгаз" АЖ ва Бюро томонидан таъминланади.

Бунда истеъмолчидан давлат кўригидан, хизмат кўрсатиш ва бошқа ишларни ўтказиш учун ечиб олинган ҳисобга олиш ускунасининг ўрнига зудлик билан "Ўзбекэнерго" АЖ ва "Ўзтрансгаз" АЖ маблағлари ҳисобидан бошқа кўриқдан ўтган ҳисобга олиш ускунаси ўрнатилади.

Таъкидлаш керакки, фақат охириги 2 йилда реал кўрсаткичларни юқори даражада (20 фоизгача) бузиб, акс эттирадиган 24,4 миллион АҚШ доллар қийматидаги 410 мингдан ортиқ эскирган ҳисоблаш ускуналари мамлакатга олиб кирилган.

Ушбу муаммони ҳал қилиш мақсадида қарор билан бундан буюн республика ҳудудига лойиҳанинг техник параметрларига мос келмайдиган ҳисобга олиш ускуналари ва қўшимча воситаларни олиб кириш тақиқланди.

Қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга оширишнинг самарадорлиги энергия ресурслари истеъмолини назорат қилиш ва ҳисобга олиш тизимини модернизация қилиш, улардан оқилона фойдаланиш, энергия ресурсларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳолатларининг ўз вақтида олдини олишни ва умуман тармоқни жадал ривожлантириш таъминлайди.

◀ Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

МУОЛАЖАНИНГ АФЗАЛИ – ЭЪТИБОР

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди томонидан "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган режа асосида аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, кам таъминланган оила фарзандларига амалий қўмак бериш билан боғлиқ бир қатор тадбир ва акциялар ўтказилмоқда.

Юқори Чирчиқ туманида 14 ноябрь – Халқаро қандли диабетга қарши кураш куни муносабати билан "Кучли ижтимоий Ҳимоя – тараққиёт гарови" шiori остида навбатдаги хайрия акцияси ўтказилди. Унда вилоят хотин-

қизлар қўмитаси вакиллари, соғлиқни сақлаш бошқармаси, эндокринология диспансери мутахассислари, оналар иштирок этди.

Акция доирасида "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди ҳудудий филиали то-

монидан вилоят эндокринология диспансерида қандли диабет касаллиги билан назоратда турган 50 нафар бемор болага витаминлар, тиббий санитария-гигиена воситалари, таркибда фруктоза сақловчи ширинликлар ва керакли доридармонлар тарқатилди.

Шу кунги акция иштирокчилари учун мулоқот ташкил этилиб, қатнашчиларнинг саволларига мутахассислар апрофлиха жавоб берди.

Юлдахон МУХИДИНОВА.



Мансур ХИММАТОВ олган сурат.

Тошкент давлат аграр университетда Ўзбекистон Қуrolли Кучлари давлат музейи жамоаси ҳамда тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни ҳарбий касбга янада қизиқтириш мақсадида "Менинг армиям – менинг фахрим" шiori остида тадбир ўтказилди.

АРМИЯМ – ФАХРИМ МЕНИНГ

Унда сўзга чиққанлар Қуrolли Кучларимиз юртимизда тинчлик ва осойишталикни ҳимоялаш, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини, соҳада амалга оширилётган кенг қўламли ислохотлар миллий армиямизнинг жанговар тайёргарлиги ва ҳарбий салоҳиятини янги босқичга кўтарётганини алоҳида таъкидлади.

Анжуман доирасида Ўзбекистон Қуrolли Кучлари давлат музейида сақланаётган тарихий экспонатлардан намуналар намойиш қилинган иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Айниқса, улуғ саркардаларимиз ҳаёти ва фаолияти, армиямиз қўшин-

ларига оид тарихий маълумотлар, қўлэзмалар, фотосуратлар, ҳарбий техника макетлари каби қатор ашёлар ёшлар қизиқишини янада оширди.

Ҳарбий хизматчилар ва музей ходимлари талабаларга бугун Ватан ҳимоячисидек шарафли қасбни танлаган йигитларга қаратилган эътибор, яратилган имконият ва имтиёзлар, шарт-шароитлар ҳақида маълумотлар берди.

Қуrolли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамблининг концерт дастури тадбир иштирокчиларига кўтаринки кайфият бағишлади.

Ўз мухбиримиз.

«ДУГОНАЛАР, БОРМИСИЗ, ОМОНМИСИЗ?»

Тошкент давлат аграр университетда вилоят хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан "Аждодларимизга мос фарзанд бўлайлик" мавзусида ўтказилган давра суҳбатига қатнашган талабалар, мазкур олий ўқув юрти қошидаги академик лицейнинг ўқувчи қизларини кўриб, ҳаёлимиздан ўтгани шу дилбар сатрлар бўлди.

Миллий ва замонавий либослари ярашган латофатли қизлар нафақат ўз оиласи, ота-онаси, балки улар ўқийдиган таълим муассасаси, шунингдек,

маҳалласининг обрўси, юзидир. Лекин, афсуски, ҳозирги глобаллашув жараёнида "оммавий маданият" таъсирига тушиб, миллий-маънавий қиёфасини йўқотаётган ирода-си султ қизлар ҳам бор ораимизда.

– Тадбирдан асосий мақсад – мамлакатимиз раҳбарининг ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш борасидаги кўрсатмалари ижросини таъминлашдан иборат, – дейди Тошкент давлат аграр университети қошидаги академик лицей ди-

ректори Раъно Турдибоева. – Шунингдек, қизларни юксак одоб-ахлоқ тамойиллари асосида тарбиялаш, оилавий ҳаётга тайёрлаш каби эзгу мақсадларга қаратилгандир.

Тадбирда ҳар жихатдан етук фарзанд бўлиш, юрт қорига яраш, одоб-ахлоқ, кийиниш, нутқ ва сўзлашув маданияти ҳақида фикр алмашилди.

Давра суҳбатига вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

С. ЭШМАТОВА.

ЖАҲОЛАТ
ГИРДОБИ

Кейинги пайтларда интернет тармоғи орқали айнан биз юқорида таъкидлаган манфур мақсадли гуруҳларнинг ватандошларимиз, жамиятимиз аъзоларининг ижтимоий онгини заҳарлашга қаратилган ҳаракатлари кузатилаётди.

Бу жараёнда ёшларни ижтимоий тармоққа оммавий жалб этиш, интернет фойдаланувчиларини турли хил гуруҳлар атрофида бириштириш, яъни ижтимоий сегментлашга эътибор қаратилаётди.

Бугунги ижтимоий ҳаётимизни кузатар эканмиз, кенг жамоатчилик, айниқса, ёшлар орасида катта қизиқиш уйғотиб келаётган ижтимоий тармоқлардан диний тарғиботнинг кучаяётганига гувоҳ бўламиз.

Шу ўринда, юртимизда диний бағрикенглик, дин ва виждон эркинлиги, тинчлик ва осойишталикни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилганлигини таъкидлаш жоиз. Таассуфки, интернет тизимида гаразли кимсалар томонидан очил-

ган қатор саҳифаларда мамлакат сиёсатидан норозиликлар, жамиятда фитна уйғотишга қаратилган, давр ва ижтимоий ҳаётдан қониқмасликни тарғиб этадиган материаллар учрайди. Етарлича диний таълимга эга бўлмаганлар билан билмай дин ва давлатга қарши тарғиботнинг ижрочиларига айланиб қолмоқда.

Радиқал ва мутаассиб диний ваҳлар билан умуминсониятга зарар келтираётган террор, деган муҳиш ва манфур бир ҳавф юзга келган экан, муқаддас ислом динимизни ҳавф сифатида кўрсатишга уринишлар қучайган бир ҳолатда мана шу тупроқ, жонажон Ўзбекистонимизни, унда яшаётган миллият ва элатлар вакиллари онгини маънавий хуружлардан, ёвузликлардан асраш ҳар биримиздан қўлни-қўлга бериб, бир ёқдан бош чиқариб, чуқур ўйлаб, ҳамфикр бўлиб, қадам ташлашни тақозо этмоқда.

Нурани МАВЛАНОВ,
Зангиота тумани
"Умир" жоме масжиди
имом-хатиби.

◀ Бошлангич 1-бетда.

Дикқат! Дикқат! Дикқат!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари дикқатига!

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси Инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар қабул қилиниши шарти билан "ноль" харид қийматида сотиладиган давлат активлари бўйича очиқ танлов савдоларига таклиф этади.

Танлов савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади:

№	Объектнинг номи	Объектнинг жойлашган манзили	Балансда сақловчи	Балансда сақловчи-нинг фаолият иxtисоси	Объектнинг тавсифи	Инвестиция мажбуриятларининг энг кам миқдори (млн. сўм)	Объект лизингда таъкил этиладиган фаолият йўналиши	Инвестиция киритиш муддати (йил)	Янги таъкил қилинадиган энг кам ишчи уринлар сон
1	Бўш турган нотуражой бино	Ангрен шаҳри, 5/4-даҳа	Ангрен шаҳар ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	бетон плита	60,0	—	1	5
2	"Ушаштастрой" АЖнинг учта ётоқхона биноси (ёш оилаларга мўлжалланган)*	Ангрен шаҳри, 5/2-даҳа	Ангрен шаҳар ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	бетон плита	3 500,0	уй-жой	3	—
3	Дўкон биноси	Ангрен шаҳри, Мактаб кўчаси	Ангрен шаҳар ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	бетон плита	800,0	—	2	10
4	Собиқ ётоқхона биноси**	Олмалик шаҳри, Чамбил ҚФЙ	Олмалик шаҳар ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	бетон плита	200,0	туруржой	2 йил	—
5	Эски ФАП-1 биноси	Бекобод тумани, Жумабозор ҚФЙ, Ҳамза ҚВП	Ҳамза ҚВП	Тиббий хизмат	пишган ғишт	50,0	—	1,5	5
6	Бўш турган маҳалла биноси	Бўқа тумани, Ровот ҚФЙ, «Мустақил Ўзбекистон» ф/у	Бўқа тумани ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	хом ғишт	20,0	—	1	5
7	Бўш турган маҳалла биноси	Бўқа тумани, Ровот ҚФЙ, «Ровот» ф/у	Бўқа тумани ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	хом ғишт	30,0	—	1	5
8	Бўш турган маҳалла биноси	Бўқа тумани, Ровот ҚФЙ, «Мустақил Ўзбекистон» ф/у	Бўқа тумани ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	хом ғишт	40,0	—	1	10
9	Бўш турган нотуражой бино	Бўқа тумани, Қорақўйли ҚФЙ, "Даштбод" МФЙ	Бўқа тумани ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	пишган ғишт	40,0	—	1	10
10	Собиқ клуб бино-иншоотлари	Оққўрғон массиви, Дўстлик ҚФЙ	Оққўрғон тумани ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	бетон плита	100,0	—	1,5	4
11	Нотураж бино	Бўқа тумани, Гулистон ҚФЙ	Бўқа тумани ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	ғишт	350,0	—	1,5	30
12	Ўзбекистон ҚВПнинг фойдаланилмаётган бино-иншоотлари	Зангиота тумани, Бўсув ҚФЙ ҳудуди	Зангиота тумани ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	девор-ғишт, том-бет.плита, пол-тахта	150,0	—	2	5
13	90 кишига мўлжалланган қурилиш тугалланмаган болалар боғчаси**	Оққўрғон тумани, Айтмақла ҚФЙ, А. Навоий кўчаси	Оққўрғон тумани ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	бетон плита	100,0	туруржой	2 йил	—
14	13-сонли мактабга қарашли болалар боғчаси бино-иншоотлари**	Куйи Чирчиқ тумани, «Кўрғончи» маҳалласи	Куйи Чирчиқ тумани ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	пишган ғишт	150,0	туруржой	1,5 йил	—
15	140 уринга мўлжалланган қурилиш тугалланмаган болалар боғчаси**	Оққўрғон тумани, Эгтамқла ҚФЙ, (Конка ш/х)	Оққўрғон тумани ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	бетон плита	100,0	туруржой	2 йил	—
16	Бўш турган маҳалла биноси	Бўқа тумани, Ровот ҚФЙ, "Уратепа" маҳалласи	Бўқа тумани ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	пишган ғишт	25,0	—	1	5
17	Собиқ 48-сонли мактабнинг бўш турган ўқув биноси	Куйи Чирчиқ тумани, Истиклол ҚФЙ, Маърифат кўчаси	Туман халқ таълими бўлими	Таълим	пишган ғишт	375,0	—	2	60
18	Тутатилган ПМК-3нинг фойдаланилмаётган биноси	Пискент тумани, "Ойбек" маҳалласи	Пискент тумани ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	бетон плита	350,0	—	1,5	20
19	"Ангрен" ширкат ҳўжалигининг бўш турган 3-сонли оғборхонаси	Охангарон тумани, "Увак" МФЙ	Охангарон тумани ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	бетон плита, пишган ғишт	500,0	—	2	30
20	Эски маданият уйи биноси	Оққўрғон тумани, Зафар ҚФЙ	Оққўрғон тумани ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	бетон плита	200,0	—	2	10
21	Қурилиш тугалланмаган 2-каватли болалар боғчаси бино-иншоотлари	Бекобод шаҳри, 14-даҳа	Бекобод шаҳар ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	бетон плита	225,0	—	2	35
22	Тутатилган Собиқ "Металлург-монтаж пўлат" МЧЖнинг бино-иншоотлари	Бекобод шаҳри, Аббосова кўчаси, 1-уй	Бекобод шаҳар ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	бетон плита	550,0	—	2	60
23	Собиқ 6-сонли мактаб биноси	Чиноз тумани, Янги Чиноз шаҳарчаси фуқаролар йиғини	Чиноз тумани ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	бетон плита	1000,0	Ноозик-овкат махсулотлари ишлаб чиқариш	2	50
24	24-болалар боғчасининг эски биноси	Чиноз тумани, Туркестон ҚФЙ, Т. Эризаев массиви, "Маданият" маҳалласи	Чиноз тумани ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	бетон плита	400,0	—	1,5	20
25	Собиқ болалар боғчаси бино-иншоотлари	Куйи Чирчиқ тумани, Ўзбекистон беш йиллиги ҚФЙ, "Бирлик" маҳалласи	Куйи Чирчиқ тумани халқ таълими бўлими	Таълим-тарбия	бетон плита, ғишт	550,0	—	1,5	10

Объектлар тадбиркорлик субъектлари томонидан мукамал таъмирланиб, уй-жой сифатида сотилади, бунда бунёд этилган уй-жой фонднинг 10 фоизи аҳолининг ижтимоий химояга муҳтож қатламлари, хусусан, вояга етмаган етим болаларни ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларини уй-жой билан таъминлаш мақсадида маҳаллий туман (шаҳар) ҳокимликлари тасарруфига ўтказилади.

Объектлар тадбиркорлик субъектлари томонидан мукамал таъмирланиб, уй-жой сифатида сотилади, бунда бунёд этилган уй-жой фонднинг 20 фоизи аҳолининг ижтимоий химояга муҳтож қатламлари, хусусан, вояга етмаган етим болалар ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларини уй-жой билан таъминлаш мақсадида маҳаллий туман (шаҳар) ҳокимликлари тасарруфига ўтказилади.

Объектлар тадбиркорлик субъектлари томонидан мукамал таъмирланиб, уй-жой сифатида сотилади, бунда бунёд этилган уй-жой фонднинг 20 фоизи аҳолининг ижтимоий химояга муҳтож қатламлари, хусусан, вояга етмаган етим болалар ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларини уй-жой билан таъминлаш мақсадида маҳаллий туман (шаҳар) ҳокимликлари тасарруфига ўтказилади.

Объектлар тадбиркорлик субъектлари томонидан мукамал таъмирланиб, уй-жой сифатида сотилади, бунда бунёд этилган уй-жой фонднинг 20 фоизи аҳолининг ижтимоий химояга муҳтож қатламлари, хусусан, вояга етмаган етим болалар ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларини уй-жой билан таъминлаш мақсадида маҳаллий туман (шаҳар) ҳокимликлари тасарруфига ўтказилади.

ган ҳудуди (бино-иншоотлар) ишга туширилган ва ишлаб чиқариш билан банд бўлган бўлиши лозим.

Танлов савдолари натижалари бўйича ҳолибик баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертлар 2017 йил 20 декабрь кун, соат 9.00 да Тошкент вилояти ҳокимлиги биносининг 1-каватлидаги залда очилади.

Танловда қатнашиш учун муҳрлаб қўйилган таклифларни олиш 2017 йил 15 декабрь 18.00 да ҳамда танлов бўлиб ўтмаганда оммавий ахборот воситаларида олдиндан эълон қилинган санасидан камиди икки иш кунин олдин тўхтатилади.

Танлов савдоси ушбу кун бўлиб ўтмаса, такрорий савдолар ҳар ҳафтанинг чоршанба кунлари, соат 9.00 да бўлиб ўтади.

Танлов ҳужжатларида ва қўшимча маълумотларни олиш мумкин бўлган манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 42-уй.

Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси.

Танловда қатнашиш учун талабгор ёки унинг ваколатли вакили шахсан ёхуд почта орқали ҳудудий танлов комиссиясининг ишчи органига танлов тўғрисидаги хабарномада белгиланган муддатда танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда икки нусхада буюртманома тақдим этади:

нодавлат юридик шахслар учун - қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ваколатли вакилнинг танловда қатнашиши учун ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхасини илова қилган ҳолда;

жисмоний шахслар учун - паспорт нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхасини илова қилган ҳолда;

бизнес-режа муҳрланган конвертда, шунингдек, танлов ҳужжатларида мувофиқ тузилган танлов таклифлари (таклиф қилинган сотиб олиш тўловлари суммаси ва уни тўлаш муддатлари, таклиф қилинаётган инвестиция мажбуриятлари суммаси, унинг шакли, муддати ва киритиш шарт) билан.

тасдиқлайдиган ҳужжат нусхасини илова қилган ҳолда;

жисмоний шахслар учун - паспорт нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхасини илова қилган ҳолда;

бизнес-режа муҳрланган конвертда, шунингдек, танлов ҳужжатларида мувофиқ тузилган танлов таклифлари (таклиф қилинган сотиб олиш тўловлари суммаси ва уни тўлаш муддатлари, таклиф қилинаётган инвестиция мажбуриятлари суммаси, унинг шакли, муддати ва киритиш шарт) билан.

Мурожаат учун манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 42-уй.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 230-41-73, 230-41-70.

Факс: (0-371) 230-41-80.

Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.gki.uz, www.gkitorg.uz, www.tashvil.gov.uz.

Шунингдек, ҳудудий танлов комиссиясининг тегишли баённомаси қарорларига асосан,

Ангрен шаҳри, 5/3 даҳасида жойлашган "Фойдаланилмаётган нотуражой биноси" бўйича фуқаро Тешабоев Алим Абдужапарович;

Куйи Чирчиқ тумани, Дўстбод шаҳарчаси, 2-маҳалла ҳудудида жойлашган Куйи Чирчиқ тумани халқ таълими бўлими маъмурий биноси бўйича "Azizbek metal group" МЧЖ;

Чирчиқ шаҳри, Истироҳат боғи кўчаси, 1-уйда жойлашган Чирчиқ шаҳар хусусийлаштиришга қўмаклашиш маркази балансидаги 3-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби биноси бўйича "Oltin" МЧЖ;

Олмалик шаҳри, Гайдар кўчасида жойлашган "Олмалик автомобиль ўқув ишлаб чиқариш комбинати" МЧЖ балансидаги сауна биноси бўйича "Osnova" хусусий корхонаси;

Паркент тумани, Қорақалпоқ ҚФЙ, Ёшлик кўрғонида жойлашган "Паркент қорасув" ИТБ тасарруфидидаги собиқ ХАТТИ-23нинг 2 каватли маъмурий биноси бўйича "TEXTILE MILL TASHKENT" МЧЖ;

Паркент тумани, Бошқизилсой ҚФЙ, Паркент тумани, Истиқбол ҚФЙда жойлашган Тошкент вилояти "Исқикли манбаи" ИЧБ тасарруфидида қозонхона биноси объект бўйича "Паркент" Ф/Х;

Ангрен шаҳри, Красногорск кўрғонида жойлашган "НҚМ" ДҚ Жанубий кон бошқармаси балансидаги универсам дўкон биноси бўйича "Аритекс" МЧЖ;

Қибрай тумани, Зафаробод ҚФЙ, "Шарк" маҳалласида жойлашган Қибрай тумани ҳокимлиги тасарруфидидаги 34-сонли умумтаълим мактабининг эски биноси бўйича "F.S.I." МЧЖ;

Чиноз тумани, Ялама ҚФЙ ҳудудида жойлашган Маданият бошқармаси тасарруфидидаги эски клуб биноси бўйича "Зайниддинов Ҳасан Ҳосилжон" Д/Х;

Бўстонлиқ тумани, Нанай ҚФЙ ҳудудида жойлашган Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги тасарруфидидаги 1-сонли насос станцияси бўйича "НАВСАР" ХК;

Бўқа тумани, Бўқа шаҳрида жойлашган Маданият ва спорт ишлари бўлимига қарашли собиқ қозонхона биноси бўйича "BOSTON NON DOKTOR" МЧЖ;

Пискент тумани, "Бирлик" МФЙда жойлашган Пискент тумани халқ таълими бўлими тасарруфидидаги собиқ спорт мактаби биноси бўйича "Global healthcare" МЧЖ;

Чирчиқ шаҳри, Тикланиш кўчаси, 74-уйда жойлашган Янгийўл тумани ҳокимлиги тасарруфидидаги бўш турган бино бўйича "Янгийўл Стандарт Сервис" МЧЖ;

Ўрта Чирчиқ тумани, Қумовул ҚФЙ, "Бектемир" МФЙ ҳудудида жойлашган Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлиги тасарруфидидаги қурилиш тугалланмаган боғча биноси бўйича "Алинув Инвест" МЧЖ;

Ўрта Чирчиқ тумани, Ўйғичқалъа ҚФЙ собиқ 61-сонли умумтаълим мактаб бино-иншоотлари бўйича "Kuchli Poydevor" МЧЖ;

Паркент тумани, "Оқтепа" МФЙ ҳудудида жойлашган Паркент тумани ҳокимлиги қарашли қурилиш тугалланмаган мактаб биноси бўйича "AFADI FRUKT" МЧЖ;

Ангрен шаҳри, Навоий кўчаси, 12-уйда жойлашган Ангрен шаҳар ҳокимлиги балансидаги ярим ертўла биноси бўйича "Megafil denta" МЧЖ;

Ангрен шаҳри, 45-даҳа, 13-уйда жойлашган Ангрен шаҳар ҳокимлиги балансидаги ярим ертўла биноси бўйича "Ангрен belissimo" МЧЖ;

Ангрен шаҳри, Дуқент кўрғонида жойлашган Ангрен шаҳар ҳокимлиги тасарруфидидаги "Каскад" дўкони 1-бўлими биноси бўйича "Shahliya" МЧЖ;

Охангарон тумани, 2-кичик ноҳияда жойлашган Охангарон тумани ҳокимлиги тасарруфидидаги нотуражой биноси бўйича фуқаро Ибандилаев Шарофбай Абисбаевич;

Охангарон тумани, Қорахитой қишлоқ фуқаролар йиғини, "Унгут" маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган Охангарон тумани ҳокимлиги тасарруфидидаги собиқ 11-мактабнинг қўшимча қурилган биноси бўйича "Асл Абдурафиқ ота бўстони" дехқон хўжалиги;

Бекобод шаҳри, Истиклол кўчасида жойлашган Бекобод шаҳар ҳокимлиги тасарруфидидаги "Собиқ" болалар боғчаси бўйича "Исломбек мебель фойз сервис" хусусий корхонаси;

Бўстонлиқ тумани, Боғистон қишлоғида жойлашган 42-сонли ўрта мактабнинг эски биноси бўйича "Nanay's Paradise" масъулияти чекланган жамияти;

Ўрта Чирчиқ тумани, Қорасув қишлоқ фуқаролар йиғинида жойлашган Тошкент вилояти ҳокимлиги тасарруфидида бўлган "Қорасув агро трактор" Давлат унитар корхонасининг бино-иншоотлари бўйича "Евробазис" МЧЖ;

Янгийўл тумани, Ниёзбош қишлоқ фуқаролар йиғини, "Иттифок" маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган Янгийўл тумани халқ таълими бошқармаси тасарруфидидаги бўш турган бино бўйича фуқаро А. А. Усенбоев ҳолиб сифатида эътироф этилганлигини маълум қиламиз.

ИШГА МАРҲАМАТ!

«DINARA TOUR SERVICE»

сайёҳлик фирмаси
сотув агентларини
ишга таклиф этади.

Мурожаат учун телефон:
(+99890) 606-79-72.

ОБ-ХАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 15 ноябрь кун Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Фарбдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 3-5, кундузи 11-13 даража илқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Фарбдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 0-5, кундузи 10-15 даража илқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, айрим туманларда ёғингарчилик бўлиши мумкин. Фарбдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 2-7, кундузи 5-10 даража илқ бўлади.

Савдоларга марҳамат қилинг!

